

**“Конвин” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
йиллик ҳисобот умумий йиғилиши  
\_\_\_\_\_сонли БАЁННОМАСИ**

*Ғазалкент шаҳри*

*2020 йил “26” июнь*

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **“Конвин” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) маъмурий биносидаги мажлислар залида (Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48 уй)**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони – 1 058 752 та.

“Конвин” АЖ акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши (кейинги ўринларда матн давомида - Йиғилиш) Жамият кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 3 июнда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – 22.06.2020 й.

Йиғилишни Жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Н. Рўзиев очди ва Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ш.Раимбековга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий депозитарий томонидан 2020 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилган “Конвин” АЖ акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 191 та акциядорга тегишли 1 058 752 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 861 684 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 11 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 81,39% ни ташкил этади.

Шундан сўнг, Ш.Н. Рўзиев ҳисобот умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. Ш.Н. Рўзиев 3 (уч) кишидан иборат куйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Ш. Рўзиев – Кузатув кенгаши аъзоси;
2. Н.Қамбаров – акциядор;
3. Ф.Нарметов – Жамият бошқарув раиси в.в.б.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган қарор:**

Йиғилиш президиуми куйидаги таркибда сайлансин:

1. Ш. Рўзиев – Кузатув кенгаши аъзоси;
2. Н.Қамбаров – акциядор;
3. Ф.Нарметов – Жамият бошқарув раиси в.в.б.

Йиғилиш раиси Ш. Рўзиев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини куйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

- Ш.Раимбеков – “Конвин” АЖ бўлим бошлиғи;
- Ш.Хақимжанова - “Конвин” АЖ бош технологи;
- Ф.Артикбаева – “Конвин” АЖ ходими.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Ш.Раимбеков – “Конвин” АЖ бўлим бошлиғи;
- Ш.Хакимжанова - “Конвин” АЖ бош технологи;
- Ф.Артикбаева – “Конвин” АЖ ходими.

Шундан сўнг, Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

#### **Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш регламенти иловага кўра тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси - Ш. Рўзиев йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, М.Юнусовни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

#### **Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш котиби этиб, М.Юнусов тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Ш. Рўзиев, йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

#### **КУН ТАРТИБИ:**

1) Жамият кузатув кенгашининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.

2) Жамият бошқарув раисининг 2019 молиявий йил яқунлари ва бизнес - режани бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

3) Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти яқуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.

4) Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

5) Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш.

6) Жамиятнинг 2019 йил яқуни бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тўғрисида.

7) Жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

8) Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

9) Жамиятнинг 2020 йил йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш.

10) Жамият кузатув кенгашини тафтиш комиссиясини сайлаш.

11) Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Кун тартиби эълон қилингандан сўнг муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масаала юзасидан** бўйича Йиғилиш раиси Ш. Рўзиев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил иш фаолияти бўйича, ўтказилган мажлислар сони, қабул қилинган қарорлар ва улар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. (ҳисобот матни илова қилинади)

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0; Бетараф – 0.

Йиғилиш қарор қилди:

1.Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун учун қабул қилинсин.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи** юзасидан Жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Ф.Нарметов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якунлари ва Бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши, шу жумладан, жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида тўғрисида ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

“Конвин” АЖ ижро органи томонидан 2019 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жамият ўз иш фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа амалдаги қонунчилик асосида иш олиб борди.

“Конвин” АЖнинг 2019 йилда маҳсулот сотишдан тушган тушум 47 269 978 минг сўмни ташкил этиб, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ўсиш суръати 129,3% ни ташкил этди. Жамият 2019 йил молиявий фаолият якуни бўйича соф фойдаси 3 903 670 минг сўмни ташкил этди.

Бизнес-режа бўйича маҳсулот сотишдан соф тушум 33 725 000 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 47 269 978 минг сўмни ташкил этди, маҳсулот таннари 29 146 000 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 30 728 137 минг сўмни ташкил этди. Бизнес-режа бўйича 2019 йилда соф фойда 2 290 000 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 3 903 670 минг сўмни, яъни 170,0 фоизни ташкил этди. Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1.“Конвин” АЖнинг 2019 йил молиявий - хўжалик якунлари ва Бизнес-режа параметрларини бажарилиши, шу жумладан жамиятнинг ривожланиш стратегияси бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар юзасидан жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Ф.Нарметов ҳисоботи ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибининг учинчи масаласи** бўйича Жамият бош ҳисобчиси Ш.А.Юсулбаев сўзга чиқиб, 2019 йил якунлари бўйича Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи билан таништирди (илова қилинади).

Хусусан, 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия балансига асосан маҳсулотларни соф тушуми 47 269 978 минг сўм, ишлаб чиқариш таннари 36 478 355 минг сўм, ялпи фойда 5 750 218 минг сўмни ташкил этган. Давр ҳаражатлари 2 002 987 минг сўм, маъмурий ҳаражатлар 614 454 минг сўм, бошқа операцион ҳаражатлар 1 388 533 минг сўмни ташкил этиб, Жамият томонидан 2019 йил якуни бўйича 3 903 670 минг сўм соф фойда олинганлиги тўғрисида маълум қилди.

Шунингдек, активлар жами 23 612 430 минг сўмни ташкил этиб, дебиторлар 3 852 166 минг сўмни, кредиторлар 12 839 301 минг сўмни, Жамият устав фонди 1 415 316 минг сўмни ташкил қилинганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи** юзасидан жамият Бош бухгалтери Ш.А.Юсубахмедов мажлис қатнашчиларини “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий ва халқаро стандартлар бўйича аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари билан таништирди.

Аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра “Конвин” АЖ молиявий ҳисоботлари унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур жамият амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўғри келади деган хулосани берган (хулосалар илова қилинади).

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий ва халқаро стандартлар бўйича аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари тасдиқлансин.

**Кун тартибининг бешинчи масаласи** бўйича Жамият тафтиш комиссияси аъзоси А.Эргашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонунининг 107-моддасига асосан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузиши, бу хулосада жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шартлиги белгиланганлигини инобатга олиб, жамиятда 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тузилган хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Тафтиш комиссияси “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи билан танишди.

“OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра “Конвин” АЖнинг молиявий ҳисоботлари 2019 йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар барча молиявий жиҳатлар, молиявий - хўжалик фаолияти натижалари бухгалтерия қонунчилиги талабларига мос келадиган ишончли тарзда акс эттирилган.

Жамиятнинг СМК, СЎК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисобот йили учун ҳисоботи маъқулланиши таклиф этилди.

Тафтиш комиссияси “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йилга мўлжалланган “Конвин” АЖ молия-хўжалик фаолияти бўйича изоҳларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришни тавсия қилади ҳамда қуйидагиларни таклиф қилади:

1. Молиявий барқарорликни ва бизнес фаолиятини яхшилаш ишларини давом эттириш;

2. Жамиятнинг ижроия органи бизнес - режанинг кўрсаткичларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва жамиятнинг бизнес - режасида кўзда тутилмаган харажатларни олдини олиш;

3. Маъмурий ва бошқа фаолиятни ўз ичига олган давр харажатларини қисқартириш;

4. Дебиторлик қарзларини сўндириш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш, зарур ҳолларда қарздорликларни суд тартибида бўлса ундириш.

5. Кредиторлик қарздорликларни сўндириш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш. Муддати ўтган кредиторлик қарздорликларини пайдо бўлишига, фойсиз қарзларни берилишига ва даромад келтирмайдиган узоқ муддатли инвестицияларнинг кўпайишига йўл қўймаслик.

6. Ҳисоб ва ҳисоботларни белгиланган қонунлар ҳамда молиявий ва бухгалтерия қонунлари асосида таъминлаш.

7. Жамиятга тегишли мол-мулк, шу жумладан асосий воситалар, моддий захираларнинг сақланишини таъминлаш (ҳисобот ва хулоса илова қилинади).

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якунлари бўйича хулосаси тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи жамият Тафтиш комиссияси ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва киритилаган таклифларни бажарилиши юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

**Кун тартибининг олтинчи масаласи** юзасидан Жамият бош ҳисобчиси Ш.Юсубахмедов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятлар ҳар йили Кодекс тавсияларига риоя этиш жараёнини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолатиши назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жамиятда 2019 йил давомида корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан амалга оширилган ишлар “Investment Management Group” МЧЖ томонидан баҳоланди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими 287 баллни ташкил этиб, “қониқарли” баҳоланди.

Муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. “Конвин” АЖда 2019 йил якуни бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича “Investment Management Group” МЧЖ хулосаси маъқуллансин.

**Кун тартибининг еттинчи масаласи** бўйича Жамият бош ҳисобчиси Ш.А.Юсубахмедов нутқини давом эттирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда жамият Уставига асосан жамият устав фондининг камида 15 фоиз миқдорида захира фонди, жамиятнинг соф

фойдасидан ҳар йили камида 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилиши лозимлиги белгиланган.

Жамият акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 24 апрелдаги 328/01-09 – сонли, 2020 йил 12 майдаги 2456/03-09 -сонли хатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги 14/1-08636-сонли, 2020 йил 16 апрелдаги 30/12-13186-сонли хатларида Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган ва 2020 йилда олинган соф фойдадан давлат улуши бўйича дивидендларни Давлат бюджетига ўтказиш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси 3 903 670,0 минг сўми ташкил этганлиги, Жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ қўйидагича тақсимлаш тавсия қилинган:

- 85 фоиз, яъни 3 318 119,50 минг сўми жамият акцияларига дивиденд тўлаш учун, шундан:

- имтиёзли акциялар учун – 12 974,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз;

- оддий акциялар учун – 3 318 106 минг сўм ёки бир дона акция учун 3 133,98 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 118,26 фоиз;

- 10 фоизи, яъни 390 367 минг сўми жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун йўналтириш;

- 5 фоизи, яъни 195 183,5 минг сўми жамият захира фондига йўналтириш.

Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлаш таклиф этилмоқда. Тўлов шакли – нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали тўланиши амалга оширилади.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. Жамиятнинг 2019 йил бўйича олинган 3 903 670,0 минг сўм миқдоридаги соф фойдаси қўйидагича тақсимлансин:

- 85 фоиз, яъни 3 318 119,50 минг сўми жамият акцияларига дивиденд тўлаш учун, шундан:

- имтиёзли акциялар учун – 12 974,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз;

- оддий акциялар учун – 3 318 106 минг сўм ёки бир дона акция учун 3 133,98 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 118,26 фоиз;

- 10 фоизи, яъни 390 367 минг сўми жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун йўналтириш;

- 5 фоизи, яъни 195 183,5 минг сўми жамият захира фондига йўналтирилсин.

2. Дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлансин. Тўлов шакли – нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали тўланиши амалга оширилсин.

**Кун тартибининг саккизинчи масаласи** бўйича юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. Ф.Нарметов сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгаши 2020 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан Жамиятнинг 2020 йилги Бизнес-режаси маъқулланганлигини маълум қилди. Жамият акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 24 апрелдаги 328/01-09 – сонли, 2020 йил 12 майдаги 2456/03-09 - сонли хатлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон Қарорига асосан устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг бизнес-режаларини танқидий қайта кўриб чиқиш, тасдиқланган инвестиция дастурлари параметрларининг кузатув кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилишини таъминлаш белгиланганлиги ҳамда мазкур тошириқ ижросини таъминлаш мақсадида:

Жамият харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режаларини (даромад ва харажатлар сметасини) ҳамда тасдиқланган инвестиция дастурлари параметрларини танқидий қайта кўриб чиқилишини ҳамда барча асословчи ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилишини;

Ишлаб чиқилган бизнес-режаларини (даромадлар ва харажатлар сметасини) ҳамда инвестиция дастурлари параметрларини кузатув кенгаши (таъсисчи) мажлисида танқидий қайта кўриб чиқилишини ва уларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилишини (маъқуллаш, тасдиқлаш) сўралган.

Шунга кўра, юқорида келтирилган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 3 июндаги мажлисида Жамият ижроия органи томонидан тайёрланган Жамиятнинг 2020 йил учун тузилган бизнес-режаси (даромад ва харажатлар сметасини) танқидий қайта кўриб чиқилганлигини ҳамда маъқулланганлигини таъкидлади (бизнес-режа илова қилинади).

Жамиятнинг 2020 йил учун тузилган Бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари билан акциядорлар ва уларнинг вакилларини таништирди.

Жамиятнинг 2020 йил учун тузилган Бизнес-режаси лойиҳаси йиғилиш қатнашчиларига тақдим этилди.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. “Конвин” АЖнинг 2020 йил учун бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Жамият ижроия органи Жамиятнинг 2020 йил учун Бизнес-режасида кўрсатилган барча кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлансин.

**Кун тартибининг тўққизинчи масаласи** бўйича Йиғилиш раиси Ш.Н. Рўзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини маълум қилди.

Шунга кўра, Жамият ижроия органи томонидан 18.03.2020 йилда Жамиятнинг 2020 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш мақсадида Жамият веб-сайти ва корпоратив ахборот ягона порталига

эълон берилган ҳамда Жамият манзилига эълонда кўрсатилган муддат тугашига қадар Танловда иштирок этиш учун 1 та аудиторлик ташкилотидан расмий таклиф тушди:

1. “Osiyo-Audit” МЧЖ аудиторлик компанияси (15,0 млн. сум),

Жамият кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига асосан Жамиятнинг 2020 йилги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун “Osiyo-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилиши ва унинг хизмат ҳақи 15,0 млн. сўмгача қилиб белгиланиши ҳамда Жамият акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун тавсия берилган.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

**Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб – 861 684 та овоз, 100%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. “Конвин” АЖнинг 2020 йилги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун “Osiyo-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва унинг хизмат ҳақи 15,0 млн. сўмгача қилиб белгилансин.

**Кун тартибининг ўнинчи масаласи** юзасидан йиғилиш раиси Ш.Н. Рўзиев сўзга чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш учун жамиятнинг йирик акциядорларидан бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 11.03.2020 йилдаги 1373/03-08-сонли хатини ўқиб эшиттирди ва тасдиқлаш учун Жамият акциядорларига қуйидаги янги номзодларини таклиф этди:

#### **Кузатув кенгаши таркибига**

- |                                   |   |
|-----------------------------------|---|
| 1. Матякубов Арифжан Ибрагимович  | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;                                    |
| 2. Ортиқбоев Отабек Музаффар ўғли | Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси; |
| 3. Жуманиёзов Иномжон Тўраевич    | Тошкент молия институти ўқитувчиси (мустақил аъзо).                                       |

#### **Тафтиш комиссияси таркибига**

- |                                 |  |
|---------------------------------|--|
| 1. Шодиев Бахтиёр Хамидуллоевич | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;   |
| 2. Жумаев Алишер Шералиевич     | Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси;          |
| 3. Шарипов Зафар Зариф ўғли     | Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари. |

Шунингдек, Жамият акциядори “MARELLI” МЧЖнинг 04.06.2020 йилдаги 11-сонли хатига асосан Жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодларини таклиф этди:

#### **Кузатув кенгаши таркибига**

- |                              |           |
|------------------------------|-----------|
| 1. Таджиев Рустам Чингизович | Акциядор; |
| 2. Камбаров Насир Музрафович | Акциядор. |



**Овоз бериш натижалари: Кузатув кенгаши таркибига:**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Овозлар сони</b>
1.	Матякубов Арифжан Ибрагимович	- 916 587
2.	Ортиқбоев Отабек Музаффар ўғли	- 916 587
3.	Жуманиёзов Иномжон Тўраевич	- 916 586
4.	Таджиев Рустам Чингизович	- 779 330
5.	Камбаров Насир Музрафович	- 779 330

**Қабул килинган қарор:**

**2019 йил кузатув кенгаши аъзолари таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>
1.	Матякубов Арифжан Ибрагимович
2.	Ортиқбоев Отабек Музаффар ўғли
3.	Жуманиёзов Иномжон Тўраевич
4.	Таджиев Рустам Чингизович
5.	Камбаров Насир Музрафович

**2019 йил тафтиш комиссияси аъзолари таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:**

1.	Шодиев Бахтиёр Хамидуллоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;
2.	Жумаев Алишер Шералиевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси;
3.	Шарипов Зафар Зариф ўғли	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласи** бўйича Йиғилиш раиси Ш.Н. Рўзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 05 мартдаги №1194/03-08-сонли хати билан мажлис катнашчиларини таништирди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПК-4112-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелидаги 356-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида, “Конвин” АЖ Кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органи раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказилиб, танлов натижалари Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 1275/01-08-14-сонли хати билан келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган бўлсада, бугунги кунга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли муносабат билдирилмаган.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПК-4112-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат активларини бошқариш агентлиги туғрисида”ги Низом билан Агентликка юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясида белгиланган тадбирларни сифатли ижро этилиши, шунингдек бу борада жамият ижроия органи аъзоларининг масъулиятини ошириш мақсадида, ўтказилган танлов натижаларига кўра жамият ижро органи раҳбари лавозимига энг юқори балл тўплаган номзодларни тасдиқлаш масаласини бошқарув органи ваколатлари доирасида кўриб чиқиш сўралган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилиши белгиланган.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, Жамият кузатув кенгаши мажлиси кун тартибидаги мазкур масала бўйича Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Нарметов Фатхулла Маликович билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш ва уни қайта тузиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиниши лозим.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф. Қараев сўзга чиқиб, “Конвин” АЖнинг ижроия органи раҳбарлигига танлов ўтказиш” регламенти талабларига мувофиқ танлов комиссияси тузилган ва ушбу комиссиянинг хулосасига кўра жамият Бошқарув раиси лавозимига икки нафар номзоддан аризалар келиб тушди ва номзодларнинг тўплаган баллари билан таништирди.

Нарметов Фатхулла Маликович – 24 балл.

Ҳакимжонова Шахноза Ҳакимжоновна – 15 балл.

Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 3 июнда ўтказилган мажлисида Жамият Бошқарув раиси лавозимига Нарметов Фатхулла Маликовични тасдиқлаш бўйича тавсия қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Н. Рўзиев Жамият Бошқарув раиси лавозимига Нарметов Фатхулла Маликовични тасдиқлашни таклиф этди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамасидан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги масала бўйича овоз беришни таклиф этди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор – 861.684-та овоз, 100-%, қабул қилинди.**

**Қарши – 0;**

**Бетараф – 0.**

**Йиғилиш қарор қилди:**

- Жамият бошқарув раиси лавозимига Нарметов Фатхулла Маликович сайлансин.

- Кузатув кенгаши раисига Ф.Нарметов билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш вазифаси юклатилсин.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Н. Рўзиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилиш раиси:**



**Ш.Н. Рўзиев**

**Котиб:**



**М.Юнусов**

Баённома “01” июль 2020 йилда тузилди.